

Рамазоннинг сўнгги кунини қандай ўтказиш керак?



13:53 / 13.06.2018 4978

Рамазонни сўнгги кунини қандай ўтказиш керак ? Муборак ой якунига етиб бормоқда ҳадемай Рамазон тугайди. Иймонли одам келаётган ийд байрамига ҳурсанд бўлса, йилнинг энг яхши ойини тугаши билан ғамга ботади. Рамазонни сўнгги кунини қандай ўтказиш керак ? Шак шубҳасиз, иймонли киши имкон даражасида ўзини ибодатга бағишлайди, Аллоҳнинг ҳисобсиз мағфирати ва розилигини қўлга киритиш ҳаракатида бўлади. Ҳадисда айтилишича: “ **Ийд кунини Аллоҳ фаришталарига айтади: “Эй фаришталарим, ўз ишини адо этган ишчининг мукофоти нима?”**, деб сўрайди, улар:”**Эй Роббимиз, бундай одамга мукофотини тўлиқ қилиб бериш керак**” . Шунда Аллоҳ айтади: “**Эй фаришталарим, Менинг махлуқотларим, эркақлар ва аёллар ўз мажбуриятларини рўзани мукамал тутиб, Ийд байрамига келишди ва менга ибодат**

қилишди. Ва албатта мен бу одамларнинг дуоларига жавоб бераман.” Шундан сўнг Аллоҳ одамларга юзланиб: **“ Боринглар Мен сизларни гуноҳларингизни кечдим. Сизларнинг ёмон амалларингизни яхшиларига алмаштириб қўйдим. Ва бу одамлар Ийдан гуноҳлардан фориғ бўлиб қайтишади.”** Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам Рамазоннинг сўнги кечасида ухламас эдилар ва ибодат билан кечани тирилтирар эдилар. Ҳадисда бу кеча “Лайлатул жаза” – мукофот кечаси деб келган. Аллоҳ, ким Рамазон ойини шариатга мувофиқ ўтказган бандаларига мукофотларини ваъда қилган. Бу кеча барча дуолар мустажоб бўлади. Шунинг учун бу кечада кўпроқ нафл ибодатларни қилиш керак. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам: “Ким Қурбонлик кечаси ва ифторлик кечаларини ибодат билан ўтказса, қалблар ўладиган куни, унинг қалби ўлмайди.” Бу имкониятдан фойдаланиш учун бу кеча ўз хошишлари ва ниятларини мустажоб қилишни сўраш ва имкон даражасида кўп ибодат қилиш керак. Ийд намози ва байрами олдидан суннатга мувофиқ: эрта туриш, ғусл қилиш, янги кийим кийиш, хушбўй нарсаар сепиш, бирор бир нарса тановвул қилиш, намозга чиқишдан аввал хурмо ейилса яхши бўлади. Намозга кетаётганда қуйидаги такбир айтилади: “Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар, Ла илаҳа иллаллоҳу, Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар ва лиллаҳил ҳамд”.

Байрам кунининг иккинчи шarti – Ийд намозини ўқишлиқдир. Қуйида бу намозга тааллуқли баъзи бир кўрсатмалар:

Ҳар бир эркак мусулмонга Ийд намозини адо этишлиқ вожиб. Ийд намозини қуёш найза баробар кўтарилгандан завоп пайтигача ўқиш мумкин. Ийд намозидан олдин ва кейин уйда ҳам Ийд намози ўқиладиган ерда ҳам нафл намоз ўқиш мумкин эмас. Намоз туганидан кейин киши уйига қайтиб келганидан сўнг бемалол нафл намозларини ўқиса бўлади. Ийд намози учун азон ва иқомат айтилмайди.